

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришга оид давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – **440 000 сўмдан 622 000 сўмгача** оширилсин.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг (кейинги ўринларда – ўзгалар парваришига муҳтож болалар) парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда **500 000 сўм** миқдоридан нафақа тўлови (кейинги ўринларда – парвариш нафақаси) жорий этилади.

Бунда парвариш нафақасини тўлаш ва етказиб бериш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) парвариш нафақаси фуқароларнинг Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

3. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агент-

лиги (А.К.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда қуйидаги маълумотларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон шаклда тақдим этиб боришни таъминласин:

2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги маълумотларни;

2022 йил 1 октябрдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотларни.

4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.К.Инаков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда 2022 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақаларни ҳамда парвариш нафақасини фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда “проактив шакл”да тайинлаш тизимини жорий этсин.

5. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов):

ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қўшимча даромадлари ҳамда жамғармага республика бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган трансфертлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 февраль

келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга маъсул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:



ТИББИЁТДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ МЕНЕЖМЕНТИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигида “Сколково” Москва бошқарув мактаби ректори Юрий Левин бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида мазкур мактаб фаолияти ҳақида тайёрланган тақдимот намойиш этилди. Унда айтилганидек, “Сколково” Москва бошқарув мактаби МДХдаги етакчи бизнес ўқув муассасаларидан бири. Европа менежментни ривожлантириш жамғармасининг халқаро аккредитациясига эга.

Муассасадаги таълим тизими бизнеснинг барча ривожланиш босқичларини қамраб олади. Улар “бажариш орқали ўрганиш” тамойилига асосланган бўлиб, ўзида назария блоклари, амалий топшириқлар, лойиҳа иши ва халқаро модулларни жамлаган.

Учрашувда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими кадрларини “Сколково” Москва бошқарув мактабида ўқитиш ва мамлакатимизда ушбу мактаб филиалини очиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР ИНСТИТУТ

Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти – “Times Higher Education” агентлиги “Young University Rankings – 2022” (Ёш университетлар рейтингини – 2022) рейтинг натижаларини эълон қилди.

Унга қўра, мамлакатимиздаги 4 та олий таълим муассасаси илк бор “Reporter” университетлар қаторида эътироф этилди. Улар орасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳам бор. Ушбу мақом орқали муассасамиз дунёнинг ТОП университетлари рейтингига кириш учун яна бир поғона яқинлашди. Маълумот ўрнида, “Young University Rankings” рейтингини дунёнинг 50 ва ундан кичик ёшдаги энг яхши университетлари рўйхатини тузади. Рўйхат “World University Rankings” флагмани билан бир қил 13 та мезон кўрсаткичларига асосланади.

Rank	Name	Country/Region	4-YIL QUALITY TEACHING	RESEARCH INCOME PER STAFF	INTERNATIONAL STUDENTS	EMPLOYMENT RATIO
Reporter	Tashkent Pediatric Medical Institute	Uzbekistan	4,452	8.6	2%	54:46
Reporter	Tashkent State University of Law	Uzbekistan	4,750	11.0	1%	23:77
Reporter	Turin Polytechnic University in Tashkent	Uzbekistan	1,622	23.9	1%	15:85
Reporter	Urgench State University	Uzbekistan	16,650	17.6	6%	58:42

Бугунги
сонда:


НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов миллий ва халқаро ёндашувлардаги ўзаро муштараклик тўғрисида ўз нуқтаини назарини ифода этган.

НУҚТАИ НАЗАР

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ:

Миллий ва халқаро ёндашувлардаги ўзаро муштараклик



Жорий йил 17 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди ва куни кеча матбуотда эълон қилинди. Ушбу ҳужжат 2022 йил 28 январда тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Бунга қадар, Ҳаракатлар стратегияси доирасида, жумладан, Президентимиз томонидан 2021 йил 25 мартда “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизimini янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармон, 2021 йил 27 ноябрда “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган ва ижрога йўналтирилган.

Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит

2022 йил 16–17 февраль кунлари Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуман Норвегия ва Гана ҳукуматлари ҳамда Ногиронлик муаммолари бўйича халқаро альянс томонидан онлайн шаклда ташкил этилди. Глобал саммитда БМТ ва унинг минтақалардаги муассасалари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари, алоқадор вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари, хусусий сектор вакиллари ва фуқаролик жамияти фаоллари – жами 7 мингдан зиёд вакил иштирок этди. Халқаро анжуманга Ўзбекистон ҳам тақдир этилди. Муҳими, мамлакатимиз вакилига Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳақида ахборот тақдим этиш имконияти яратилди. Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммитда имконияти чекланган инсонлар ҳаёти-

да аниқ ва амалий ўзгаришлар юз беришига хизмат қиладиган инклюзив тараққиёт талабларини татбиқ этиш истикболлари муҳокама қилинди. Бунда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқилди.

Барқарор ривожланишнинг 17-мақсадига эришиш учун саккиз йилдан озроқ вақт қоляпти. Шунинг учун, бу борада қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда, ушбу мақсад доирасида белгиланган инклюзив тараққиётни кенгайтириш бўйича мажбуриятларни бажариш лозим. **БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш** ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилишнинг бир қатор устувор йўналишларини илгари сурди. Хусусан, Бош котиб фикрича, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамма жойда ҳар қандай имкониятлардан тенг фойдалана олишига шароит яратиш учун инвестициялар зарур. Бу эса катта миқдордаги молиялаштиришни тақозо этади. Саммитни Норвегия Бош вазири Йонас Гар Стёре очар экан, мазкур халқаро анжуман бутун дунёдаги имконияти чекланган инсонлар ҳаётини яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаоллаштиришга йўл очишини таъкидлади. Зеро, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Коронавирус пандемияси ана шу инсонлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги нотенгликни кучайтирмоқда. Гана Республикаси Президенти Нана Акуфо-Аддо бундай нотенглик пандемия туфайли мамлакатлар ичарисидида айниқса кучайганига эътиборни қаратди. Бу вазият, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга коронавирус билан боғлиқ ҳолатларда тиббий, ижтимоий ва молиявий хизматлар етарлича кўрсатилмаётгани мисолида кўзга ташланмоқда. Глобал саммитда 20 нафар олий даражадаги спикер – Президентлар, Бош вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди ва сўзга чиқди. Халқаро анжуманда таъкидланганидек, БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ижросини таъминлаш ва унинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиб бориш жуда муҳим. Шундагина имконияти чекланган инсонлар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш масаласи инсониятнинг барқарор ва фаровон жами-

ят барпо этиш борасидаги глобал фаолиятнинг диққат марказида туришига эришамиз. Шу маънода, **биринчидан**, халқаро ҳамжамиятнинг бундай ижобий муносабати, бир томондан, Ўзбекистон миллий тараққиёт йўлидан огишмай, дадил одимлаётганини тасдиқлайди.

Иккинчидан, бу жаҳоний эътибор мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далил ҳисобланади.

Учинчидан, буларнинг барчаси – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда Президенти олиб бораётган сиёсат билан халқаро ҳамжамиятнинг глобал саъй-ҳаракатлари ўзаро уйғун ҳамда муштарак эканини амалда намоён этмоқда.

Ўзбекистон ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция: ташаббус ва натижадорлик

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – ногиронлиги бўлган шахсларнинг Конституциямизда кўзда тутилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномаларга мувофиқ ҳолда, бошқа фуқаролар билан тенг равишда таъминлаш ҳисобланади. БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани ушбу соҳада самарали ислохотларни давом эттиришнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу ҳақда фикр юритганда, албатта, кейинги йилларда айни соҳада шиддатли тус олган амалий ишлар диққатга лойиқ самаралар берганини қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилишига оид масала давлат бошлигининг қуйидаги дастурий ҳужжатларида:

1. “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида (2017 йил 1 декабрда қабул қилинган);

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида (2018 йил 5 майдаги Фармон билан тасдиқланган);

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида (2020 йил 22 июндаги Фармон билан тасдиқланган);

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясидаги нутқида назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси минбаридан туриб, имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифини халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этар экан, Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлагани бежиз эмас. 2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тартибга солиши билан жуда аҳамиятли. Қонун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш моделини ва соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ижтимоий адолат принципига амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечириш учун шароит яратиш масаласи давлат раҳбарининг доимий диққат марказида турибди.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси – дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар Конституцияси

Ушбу Конвенция XXI асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартнома бўлиб, у БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. БМТнинг 192 аъзо-давлатидан, 2021 йил май ҳолатига кўра, 183 таси ушбу Конвенцияни ратификация қилган. Конвенцияда ногиронлар ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 50 та моддадан иборат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар

ҳолатини таҳлил қилиш асосида қабул қилинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолисининг 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сони 1 миллиардга етган. Конвенциянинг асосий ғояси шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Конвенциянинг мақсади 1-моддада баён этилган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат. У фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича умумий мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, **Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:**

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий-ташқирий ва бошқа чораларни қўриш;

- ногиронларга нисбатан камситиш хусусиятига эга мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш;

- барча стратегиялар ва дастурларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришини ҳисобга олиш, Конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки усуллардан тийилиш;

- ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни барта-раф этиш учун зарур чораларни қўриш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ эҳтиёжлари учун мослаштириш, товарлар, хизматлар, жиҳозлар ва универсал дизайн объектларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш;

- Конвенцияда кафолатланган ёрдам ва хизматлар тақдим этишни такомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлиги бўлган шахслар билан иш олиб борадиган персонални ушбу эътироф этилган ҳуқуқларга ўқитишни рағбатлантириш.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қи-

(Давоми 3-бетда)

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ:

Миллий ва халқаро ёндашувлардаги ўзаро муштараклик

лишда устувор субъектлар сифатида ногиронлиги бўлган аёллар (6-модда) ва ногиронлиги бўлган болалар (7-модда) ажратиб кўрсатилган. Конвенция қондалари бажарилишини мониторинг қилувчи, иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини кўриб чиқишга ваколатли ҳамда ушбу маърузалар бўйича таклифлар ва умумий тавсиялар берувчи орган – БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (18 кишидан иборат) ташкил этилган. Аъзо давлатлар дастлабки миллий маърузани Конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этишлари белгиланган. Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конвенцияни ратификация қилишда 3 та манба: миллий қонунчилик, хорижий юридик амалиёт ва ушбу Конвенциянинг ўзига таянилади. АКШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Хусусан, АКШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда, тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, Конвенция талаблари негизда ишлаб чиқилган. Эътиборли томони шундаки, ГФРда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар мавжуд. Жумладан, “Жамиятда, ишда ва касбий соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги қонун шулар сирасига қиради.

Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳуқуқий амалиётига келсак, қонун ижодкорлигида илк бор ноёб тажриба қўлланилди. Яъни, халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Энг асосийси, Конвенцияни ратификация қилиниши натижасида:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашти;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайди;

учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мам-

лакатимизнинг ижобий халқаро имижига янада яхшиланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинмоқда. Бу ўринда Конституция, 40 дан зиёд қонун ва 160 дан ортиқ қонуности ҳужжати кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини билан тартибга солинади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги барча ҳуқуқларини тартибга солувчи “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш; бандлик масалалари; жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш; ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш; одил судлов; давлат ва жамоат ишларида иштирок этиш; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил топган. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар инсонни, шу жумладан ногиронлиги борлиги туфайли камситмаслик принципи ётади. Бу борада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим. Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммитда алоҳида таъкидланганидек, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда ногиронлик муаммоларини ҳал этишда олдинги мақбул натижаларни тиклаш ва янада кўпроқ самараларни қўлга киритиш зарур. Бунда давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, турли доиралардаги шериклар билан яқин ҳамкорликни кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида 600 га яқин нодавлат ноғижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар орасида: Ўзбекистон ногиронлар жамияти; Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди; Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси; Имкониёти чекланган ёшлар ва болалар маркази; Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш “Умр” жамоатчилик маркази; “Инклюзив ҳаёт” ногиронлар жамоат бирлашмаси; Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти; Ўзбекистон карлар жамияти каби ННТлар бор. Ушбу нодавлат ноғижорат ташкилотларининг вакиллари Конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

Тараққиёт стратегияси ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари

Ўзбекистонда 760 минг 727 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Шуларнинг 100 мингдан ортиғи 16 ёшга бўлган ногирон болалардир. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан камраб олинган. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да бу борада муҳим мақсад-вазифалар белгиланган. Бу ўринда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президентининг мазкур Тараққиёт стратегиясини имзолашга оид Фармонида кўзда тутилган устувор масалаларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Фармонга мувофиқ, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳада, жумладан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш кўзда тутилмоқда. Келгусида ушбу маълумотлар базасини ўзида жамлаган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ҳозир амалда бўлган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” билан интеграция қилинади. Президент Фармонида бу борада белгиланган яна бир муҳим вазифа – “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритиши билан беvosита боғлиқ. Чунки бунда давлатимиз раҳбарининг болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшга қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш зарурлиги ҳақидаги топширигини ўз ижобатини топади. Шу йилдан эътиборан, Фармоннинг 14-бандига биноан, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизими соддалаштирилади ҳамда уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилади. Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг 15-бандига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда

фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси инсон кадрини таъминлашга қаратилган 100 та мақсадни камраган. Шу мақсадларнинг аксариятида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 9-мақсадида кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш ҳақида сўз боради. Дастуриламал ҳужжатнинг 53-мақсадида аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш истиқболлари

Тараққиёт стратегиясининг 66-мақсади: “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизimini шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш” деб номланган. **Ушбу мақсад доирасида:**

биринчидан, ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

учинчидан, тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронлики белгиланишнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг оила-си, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

бешинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизimini такомиллаштириш;

олтинчидан, ногиронлики белгиланишнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш каби ғоят муҳим вазифалар кун тартибига қўйилган. Айни вқтда ушбу чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 8 февралда “Но-



гиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолаганини яна бир бор таъкидлаш лозим. Ушбу Фармон ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлайётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этишга қаратилгани билан ниҳоятда муҳим. Бундан ташқари, Тараққиёт стратегияси доирасида Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 8 февралда “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Ҳукумат қарорига асосан ногиронлики олиш тартиби ўзгартирилди. Яъни, эндиликда фуқароларни кўриқдан ўтказиш уларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларга кўриққа юбориш орқали амалга оширилади.

Кўриққа, шунингдек, стационардан берилган касаллик тарихини, амбулатор картдан кўчирмаларни ва беморни кўриққа юбориш учун асос бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳам қиради. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари мажлисида кўриқ тўлиқ таркибда ва ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Ногиронлик белгиланган тақдирда, ҳужжатлар ТИЭК томонидан қабул қилиб олинган сана ногиронлиқнинг бошланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси ҳисобланади. Шу маънода, мамлакатимиз Конвенцияни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъбиқ этиш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини тасдиқлашнинг зиммасига олади. Кейинги, яъни 2023 йилда Ўзбекистон БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг бажарилиши бўйича дастлабки ҳисоботини тегишли тартибда тақдим этади.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари.

ТАЖРИБА, МАҲОРАТ ВА АМАЛИЁТ

ЎЗБЕК ШИФОКОРЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК БОР

қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда тизсиз жарроҳлик амалиёти ўтказди



Республика перинатал маркази қошидаги Неонатал хирургия ўқув-даволаш-методик марказида янги туғилган чақалоқларда кўплаб мураккаб операциялар ўтказиб келинмоқда. Мазкур амалиётларнинг аҳамияти шундаки, улар бола туғилиши билан бажарилмаса, гўдакнинг келгуси ҳаёти хавф остида қолади. Муассасада худди шундай жазежи беморларнинг икки нафари ўта мураккаб жарроҳлик муолажасидан сўнг соғайиб, ҳаётга қайтди. Уларнинг иккиси ҳам тузма қизилўнгач атрезияси билан дунёга келган. Авваллари бундай операциялар чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилар эди. Бу гал қизилўнгач атрезиясининг торакоскопик амалиёти маҳаллий шифокорлар томонидан илк бор мустақил ўтказилди.

Яқиндан бошлаб Россиянинг Иркутск болалар клиник шифохонаси хирург Юрий Козлов билан ҳамкорликда қизилўнгач атрезиясини торакоскопик усулда, яъни тизсиз текизмасдан операция қилишни бошладик. Ўтган йилнинг 29 ва 31 декабрь – Янги йил оқшомида худди шу хасталик билан туғилган чақалоқларни операция қилдик. Қарийб 4 соат давом этган мураккаб амалиёт натижаси нафақат беморнинг оиласи, балки биз, шифокорлар учун ҳам жуда муҳим эди. Чунки юқори технологик ноёб



операцияни илк бор мустақил амалга оширгандик. Таъкидлашничи, торакоскопик усулдаги хирургик амалиётдан сўнг чақалоқларнинг тўлиқ соғайиши жуда тез кечди. Шу сабабли кашқадарёлик М. Равшанова ва наманганлик Н. Тўйчиева тузма касаллик билан дунёга келган фарзандларини қисқа муддатда бағрига олди.

– Ўғлимга Раҳматулло деб исм қўйдик, – дейди Н. Тўйчиева. – Узоқ давом этган жарроҳлик амалиёти натижасини ҳадик билан кўтдик. Эндигина дунё юзини кўрган фарзандининг операция столига ётқизиши она учун оғир. Бу синов ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Амалиётдан кейин келажакда ҳеч қандай асорат қолмас экан. Қўли енгил шифокорларимиздан миннатдорман.

Профессор Б. Эргашевнинг таъкидлашича, бундай мураккаб касалликларнинг туғуруқдан олдин аниқланиши ундан халос бўлишнинг асосий омилдир.



– Айрим чақалоқларда қизилўнгачнинг берк бўлиши, умуман бўлмаслиги ёки ўпкага бориб уланиши каби ҳолатлар учрайди, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр Эргашев. – Яқин йилларгача юртимизда қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларни сақлаб қолиш имкони бўлмаган. Кейинчалик бундай дард билан туғилган гўдакларни операция орқали даволай бошладик. Аммо ўша пайтда бундай амалиётлар кесини йўли билан бажарилган.

Неонатал хирургиянинг моҳияти шундаки, у хасталикни бола дунёга келган илк кунлардаёқ олдини олади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек неонатал хирургияси Марказий Осиё давлатларидан, хатто Россиянинг айрим ҳудудларидан ҳам юқори савияда экани эътироф этилмоқда. Хусусан, қизилўнгач атрезиясининг торакоскопик операцияси дунёнинг санокли

давлатларида, фақатгина ўта малакали хирурглар томонидан амалга оширилади. Республика перинатал маркази қошидаги Неонатал хирургия ўқув-даволаш-методик маркази мутахассислари эса ўтган йилнинг ўзида 6 та ана шундай юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўзлаштирди. Бу эса нафақат марказнинг, балки миллий тиббиётимизнинг катта ютуғидир.

ЖИЗЗАҲДА КАРДИОЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ОРТМОҚДА



Филиалда 2021 йилда 10 турдаги юқори технологияли 1000дан ортик кардиожарроҳлик амалиётлари бажарилди


Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали раҳбари Нурали Қурбоннинг таъкидлашича, Жиззах вилояти аҳолисининг юрак-қон томир касалликларига чалиниш кўрсаткичи республикада етакчи ўринлардан бирини ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда худудда яшовчи 55 минг нафардан ортик катга ёшдаги инсонлар айна шу хасталиқдан азият чекоқда. Шу маънода 2019 йил 100 ўринли ушбу марказ ишга туширилиши, 2020 йил бошида эса 38 турдаги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиб, жаҳон андозаларига мос, юқори технологик текшириш

ва даволаш усуллари йўлга қўйилиши бундай беморларга қатор қулайликлар яратди. – Ҳозир муассасамизда стационар даволаниш ва диагностика учун барча шароитлар мавжуд, – дейди Нурали Қурбон. – Беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиши мақсадида 6 ўринли кардиорезимация бўлими фаолият кўрсатмоқда. Натижада худуд аҳолисининг даволаниш учун пойтахтга боришига деярли ҳожат қолмади. Ортиқча харажат ва оворагарчиликларга чек қўйилди.

Филиалда 2019 йил 56 нафар ходим фаолият юритган бўлса, 2021 йил улар сони 170 нафарни ташкил этди. Шундан 2 нафари тиббиёт фанлари док-

тори, 4 нафари эса хорижда таҳсил олган шифокорлардир. Бу ерда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари бошчилигида 2020 йил декабрь ойидан бошлаб юрак тож томирларида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда. 2021 йил май ойида эса вилоятда илк бор юракнинг мураккаб очик операцияси муваффақиятли амалга оширилди. Эндilikда бу каби муолажалар муассасада тизимли равишда йўлга қўйилади. Умуман, 2021 йил филиалда коронарография, стентлаш, юракка кардиостимулятор ўрнатиш, юрак аритмияларини бартараф этиш, тузма юрак нуқсонларини коррекция қилиш каби 10 турдаги юқори технологияли 1000дан ортик кардиожарроҳлик амалиётлари бажарилди. Бу рақамлар келгусида янада ортиши кутилмоқда. Сабаби филиал яқинда бир қатор замонавий жарроҳлик ускуна ва жиҳозлари билан таъминланди.





ЮРАККА ҚУВВАТ ВА ДАРМОН КЕРАК

Маълумки, юрак-қон томирлари касалликлари (юракнинг ишемик касаллиги, юқори қон босими, миокард инфаркти, юрак уриш маромининг бузилиши, атеросклероз ва бошқалар) билан оғриш ва шу боис вақтидан олдин ишга яроқсиз бўлиб қолиш, ҳатто ўлим ҳам дунё бўйича хасталиклар тўғрисида кишиларнинг нобуд бўлишида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Шунинг учун бутун дунё бўйича юрак-қон томирлари билан боғлиқ касалликларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Швейцариядагидан кам эмас...

Нафақат ривожланган мамлакатларда, катта мегаполисларда ушбу соҳага тегишли катта-катта илмий текшириш марказлари, ихтисослашган институтлар, махсус лабораториялар, балки ривожланаётган давлатларда марказий шаҳарлардан узоқда жойлашган худудларда ҳам кардиологик шифохоналар даволаш ва ташхис қўйиш муассасалари ташкил қилинмоқда. Масалан, Қарши шаҳрида ҳам республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг филиали ташкил қилиниб, унда вилоятимиздаги шу йўналиш бўйича беморлар халқаро андозаларга мос тарзда даволанмоқдалар. Бу ерда энг замонавий шарт-шароитлар яратилган. Хорижий давлатларнинг 5 та нуфузли клиникаси билан меморандумлар имзоланган. **Яқинда филиалга ташириф буюриб, маҳорат дарси тарзидаги юқори теҳнологияли жарроҳлик амалиётини бажарган швейцариялик таниқли кардиожарроҳ Карл Тиерри “бу ерда ўзимни худди ўзимизнинг клиникамиздагидай ҳис қилдим”, дея эътироф этди.** Филиалда ўз ишининг устаси бўлган, хорижда таҳсил олиб, малака оширган малакали мутахассислар жамланган.

Даво ва дорининг тури кўп, аммо...

Афсуски, юрак-қон томир хасталиклари ҳозирги пайтда нафақат кексалар, балки навқирон ёшлар, ҳатто кучли спортчилар орасида ҳам тез-тез учраб турибди. Таъкидлаш зарурки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 26 январда имзоланган “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор бу йўналишдаги хасталикларни олдини олиш ва ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш борасида муҳим аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. Унда аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожарроҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш билан бир қаторда, жойларда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” хоналарини ташкил қилиш, беморларни 35 турдаги тарқатма материаллар билан таъминлаш бўйича алоҳида банд киритилган.


Тиббиётда кардиология соҳасининг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиши инсониятнинг ушбу офатдан химояланишида юксак муваффақиятларга олиб келмоқда. Ишлаб турган юрак фаолиятини бевосита кузатиб, ундаги нуқсонларни аниқлаш қон-томирлар орқали унинг турли қисмларига зондлар (найчалар) юбориб, тегишли жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, юрак-тож томирлари ёки клапанларини (қопқоқларини) алмаштириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Юрак хасталикларига қарши ишлаб чиқарилаётган ва қўлланилаётган дори-дармонлар эса ниҳоятда бисёр.

Шундай бўлса-да қайд қилинган касалликлардан азият чекаётганлар сони кўпгина давлатларда йилдан-йилга камайиш ўрнига тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолнинг сабаблари жуда кўп бўлиб, айрилган касалликларни даволашдан уларнинг келиб чиқишига алоҳида эътибор бериб, иш олиб бориш яхши натижа бериши азалдан маълум. Шу нуқтаи назардан қуйида юрак-қон томир хасталикларининг юзага келишида овқатланиш омилнинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Барча касалликлар танага овқат билан киради

Қадимги мутафаккирлардан янги эрадан олдин яшаган Гипократ (460-377) “Инсон онадан соғлом туғилади, барча касалликлар эса танага овқат билан оғзидан киради” деб бежизга айтилмаган. Дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган кузатувларда ҳайвон ёғидан ва юқори навли ун маҳсулотларидан

тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъеридан ортиқ тановул қилиш, овқатланиш тартиби ва ритмига амал қилмаслик озиқ-овқатларнинг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанатни бузилишига ва оқибатда семизлик, юрак-қон томир ҳамда бошқа қатор касалликларга олиб келиши тасдиқланмоқда. АҚШда бир неча минг хотин-қизларда олиб борилган кенг қўламли ва давомли кузатувлар шундай хулосаларга олиб келдики, улардан Европача тамадди қилишни хуш



кўрувчилар сергўшт, ковурилган тузи кўп овқатлар, тухум, ҳайвон ёғида тайёрланган таомлар, юқори навли оқ ундан қилинган маҳсулотлар, ширинликлар, ёғли, сут ва сут маҳсулотлари) бошқаларга қараганда 50 фоиз ошиқ юрак хасталикларига учраса, кундалик рационда мева-чевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари мўл бўлган ҳамда кўпроқ балиқ истеъмол қиладиганларида бу кўрсаткич анча паст бўлган (30 фоиз). Маълумки, хавфли юрак хасталикларига (айниқса, миокард инфаркти) олиб келадиган ҳолат юрак мускулларининг озиқ моддалари ва кислород билан таъминловчи тож томирлари деворларида ёмон сифатли холестериндан ҳосил бўлган тошмачаларнинг (бляшкалар) ёпишиб қолиши оқибатида қон ҳаракатининг кескин секинлашиши атеросклерозга олиб келади. Бундай холестеринларнинг кўпайиши эса кўп ҳолларда кундалик таомларда ҳайвон ёғларидан (сарийёғ, думба ва чарви ёғлари) гўшти ҳамда тухум, сут маҳсулотлари, шакар, ҳар хил ширинликлар, юқори навли ундан тайёрланган турли-туман пишириқларнинг сероблиги натижасидир. Айрилган қон-томирларидаги тошмачаларнинг кўпайиб кетмаслигини таъминлаш ва шу йўл билан атеросклерозни олдини олишда антиоксидантли маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Антиоксидантлар липидларнинг (ёғларнинг) молекуллар кислород билан оксидланишини тормословчи моддалар бўлиб, улар айнан ёмон сифатли холестерин ҳосил бўлишини тўхтатади. Бундай антиоксидантлар эса асосан, калий элементига бой дуккаклилар (ловия, мош, нўхат), картошка, сабзи, помидор, лавлаги, пиёз, шолғом, ошқовоқ, шивит, қовун, мева-чеваларда (банан, олма, нок, зардоли, гилос, узум ва бошқаларда) кўп бўлади.

“Ўлдирса, ош ўлдирсин” – бу нотўғри қараш

Қайд қилинган ўсимлик маҳсулотларидан етарли миқдорда истеъмол қилиб туриш юрак хасталикларидан химояланишда асқотади. Уларнинг ўлкамизда мўл-кўл бўлишига қарамасдан кундалик таомланишда ҳамма ҳам етарли миқдорда фойдаланади, дейиш қийин. Кимдир бу маҳсулотларни еган билан энергияга бўлган эҳтиёж қонмайди, “ўлдирса, ош ўлдирсин”, қабилда асосий энергия гўшт ва ёғли таомларда бўлади деб ҳисобласа, бошқалар уларнинг озиқ модда сифатида

нима учун кераклигини тегишли даражада тасаввур қила олмайди ёки соғлом, тўғри овқатланиш билан боғлиқ тушунчалардан йироқ бўлади.

Шуниси ҳам борки, айрилган касалликларга чалинмаслик учун ҳайвон маҳсулотлари, яъни гўшт, тухум, сут ва сутдан тайёрланган сузма, кефир, сарик ёғ, пишлок ва бошқаларни тамоман истеъмол қилмаслик керак деган хулоса нотўғри. Чунки, уларнинг таркибидаги айрим нутриентлар организм учун керак, масалан, гўшт оксиллари, тухум, сутдаги биологик тўла қийматли оксиллар ҳисобланиб, ҳужайра ва тўқималар учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Улар яна озиқ моддаларнинг ҳазмланиши учун зарур бўлган ферментлар, тана бошқарувида қатнашадиган гормонлар, шунга ўхшаш қатор биологик фаол моддалар синтезланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу боис уларнинг ўсиш, ривожланиш, ақлий ва жисмоний фаолият учун жуда зарур. Фақат улардан ҳар бир организм эҳтиёжи учун керакли миқдорда қабул қилиши керак, зиёда қисми эса қайд қилиб ўтилган нохушликларга ва оқибат натижада атеросклероз, ундан келиб чиқадиган миокард инфаркти, қон босимининг юқори бўлиши (артериал гипертензия) ва шу каби хасталикларга олиб келади. Бундай меъёрлар кишининг ёши, жинси, қиладиган иши, об-ҳаво шароитларига кўра ҳисоблаб чиқарилган махсус маълумотномаларда мавжуд.

Меъёр ва мунтазамлик муҳим

Масалан, катта одамлар учун бир суткада ҳар бир килограмм тана массасига кўра 1 грамм оксил, шунча ёғ ва 4-5 грамм углевод ўртача физиологик меъёр ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар болалар учун бироз кўпайтирилган. Чунки улар ўсиб-ривожланиб боради. Уларнинг миқдори оғир жисмоний иш қилувчилар ва спортчилар учун ҳам меҳнат қилиш турига қараб маълум миқдорда оширилади.

Айрим ҳайвон маҳсулотлари, масалан, балиқ таркибидаги баъзи бир ёғ кислоталари (масалан омега-3, омега-6) ва осон ҳазм бўлувчи аминокислоталар борлиги боис қонда холестерин миқдорини кўпайтирмаслиги, аксинча камайишига олиб келар экан. Шунинг учун ҳафта давомида 3-4 марта балиқ ёки балиқли таомлар еб туриш юрак қон-томир хасталикларига чалинмаслик борасида Америкадаги Гарвард университети олимларининг 5000 дан кўпроқ 65 ёшдан ошган одамлар устида олиб борган кузатувлари ҳафта давомида 4 мартагача балиқ истеъмол қилиб турган респондентларда инсулт (мияда қон айланишнинг бузилиши, қон қуйилиши) бошқаларга қараганда 27 фоиз камлигини кўрсатди.

Шу нарса муҳимки, юрак-қон томирлари касалликларининг олдини олишда тўғри ва соғлом овқатланиш доим амал қилиб туриш лозим бўлган жараён дир. Унга бир фаслда эришиб, қолган пайтлари эътибор қилинмаса, бу борада натижалар кўнгилдагидек бўлмайди. Агар мунтазам фаол жисмоний иш, жисмоний тарбия ҳаракатлари ва баҳоли-қудрат спорт билан шуғулланиб турилса, хасталик яқин йўламайди. Ишонаверинг, энг арзон, энг сифатли ва энг ишончли даво ва дори – мана шу!

Шавкат МАМАДИЕВ,
Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Гулноза БУРАНОВА,
Қарши давлат университети физиология
кафедраси ўқитувчиси.

ЎЗ ДАВРИНИНГ БУЮК ДАҲОСИ



Афионада туғилган, Бухорода билим олиб тенгсиз олим бўлиб етишган, ўз даврининг атоқли файласуфи ва буюк шифокори, ҳижрий-қамарий IV-V (милодий X-XI) асрларда Мовароуннахр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида юз берган тафаккур, ақл ва билим равнақи (муслмон «Ренессанси») даврининг энг машҳур шахсларидан бири, дунёнинг кўплай файласуфлари ва шифокорлари учун билим ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган буюк «Шифо» ва «Тиб қонунлари» асарларининг муаллифи, Европада «Ислол Аристотели» ва «Шифокорлар шоҳи» деб ном олган, улуг донишманд, Хусайн ибн Сино бутун ҳаёти жараёнида одамларни унга нисбатан қизиқишларини ва эътиборларини уйғотишига муваффақ бўлди, ўзига жалб қилиб билди.



МОЗИЙДАН САДО


Хусайн ибн Сино ҳамиша инсон қадри ва қимматига муносиблик билан муомала қилиш, аъло даражадаги нотиклигини ишга солиш, суҳбатдошларини тинглашни билиш, доимо бошқаларни ҳурматини жойига қўйиш, атрофидагиларга ўзининг ҳақли эканлигини ишонтириб билиш, муҳитга ва кишиларга осонгина мослашиб билиш каби хислатлари билан бошқа инсонлардан ажралиб турарди.

Хусайн ибн Синонинг онги хилма-хил фойдали ғоялар билан ҳамиша тўла бўларди. Унга мурожаат қилган инсонлар билан жисмоний, эмоционал ва интеллектуал даражада муомала қилиш, уларга ижобий таъсир кўрсатиш қобилиятини намоён қиларди. Хусайн ибн Сино маҳорат ва эҳтирос билан нотиклик санъатини ишлагарди, ижобий фель-атвори, табиати, муомала ва рухий хусусиятлари мажмуи (хулқи) қаторида, бу ўз навбатида унинг жозибдор, мафтункор шахс эканлигини намойиш этарди.

Шарқдаги муслмон мамлакатларида воизлик (нотик – воиз) санъати эзгуликка ва яхшиликка чакирувчи жозибали кучи билан тингловчиларнинг жамонинг онгига, ҳис-туйғусига таъсир этувчи маҳорат ҳисобланарди. Хусайн ибн Сино ўзининг ҳаёти жараёнида хулоса қилиб ёзди, «инсонга уч нарса ёрдам беради – тақдирнинг қаттиқ зарбаси, юқори даражадаги улғвор севги-муҳаббат ва тўғри танланган устоз». У ўзининг аксарият асарларида инсонларни фан, маданият, билим ва маърифатга эга бўлмоқ учун, илмнинг машаққати йўлида оғишмай меҳнат қилиб баркамоллик сари интилишга, халол, пок, диёнатли, меҳнаткаш, виждонли ва сабрли бўлишга чакирарди.

Хусайн ибн Сино ёзишча, жамият ўзига хос хусусият ва маҳоратга эга бўлган кишилар йиғиндиси. Ҳар қандай жамият ҳамкорликка муҳтож, акс ҳолда у тартибсизликлар ва беқарорликларга ботиб кетиши мумкин. Жамият ривожланиши учун аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қиладиган ва тегишли нуфузга эга бўлган обрў-эътиборли ҳукмдор керак. Агар жамият муросага келиб, барча керакли фазилатларга жавоб берадиган ҳукмдорни сайласа, Хусайн ибн Сино таъкидлаганидек, бу жамият кўп низолар ва исёнлардан ҳамда уларнинг асоратлари бўлган муаммолардан озод бўлади. У камолотга эришишнинг биринчи мезони – бу маърифатни эгаллашдир деб билган, чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб авлодларга етказишга хизмат қилади. Бу мақсадга етишиш учун инсон кийинчиликлардан қўрқмаслиги зарур деб ҳисоблаб, «Эй, биродарлар! Одамларнинг ботири муш-

қулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош торгган киши одамларнинг энг қўрқогидир» – деб таъкидлаганди. Ўзининг кўп қиррали билимлар мажмуасига асосланган интуициясидан фойдаланган ҳолда илмий асарлар (трактат), мақолалар ёзарди, жуда маъноли ва ўта таъсирчан мактублар турарди. Тарихий манбаларда ёзилишича, Рай амири Маджд уд-Давла вояга етгунча Рай амирилик ҳукмдорлигини бажараётган онаси малика Сайида Мулк Хотун буюк олим Хусайн ибн Синони ўз ҳомийлигига олиб, Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ғазабига дучор бўлади. Малика Сайида Мулк Хотун Дайлемлик шохларнинг оиласидан чиққан ифбатли ва тақводор аёллардан бири бўлган. Султон Маҳмуд Ғазнавий, Хусайн ибн Синони Ғазнадаги саройига олиб келиш мақсадида, малика Сайида Мулк Хотунга мактуб юборди ва шарт қўйди: "Хутбага менинг номимни



қиртасиз ва менинг номим билан тангалар зарб қилишингиз зарур, агар бундай қилмасангиз, мен кўшиним билан бориб Райни оламан". Хусайн ибн Сино малика Сайида Мулк Хотун номидан хат битиб шундай жавоб берди: "Эрим тириклигида, чиндан ҳам Райга хужум қилишингиздан қўрқардим. Лекин у вафот этгандан сўнг бу ташвиш менинг юрагимни тарк этди. Дедимки, "Султон Маҳмуд Ғазнавий оқил подшоҳдир. У аёл подшоҳга қарши урушга бориш яхши эмаслигини билади. Агар ботириб келсангиз, Оллоҳга аён, қочишга чоғланмайман, сизни устингиздан зафар кучсам, илгари юзта подшоҳни мағлуб этган, ғолиб Маҳмуд Ғазнавийни мағлуб қилганим ҳақида элчилар юбориб бутун дунёга хабар қиламан! Агар мени мағлуб этсангиз, дунёдаги барча подшоҳликларда айтишадилар: "Қудратли Маҳмуд Ғазнавий бир подшоҳ заифа-аёлни енгди, хайф унга". Бу жавоб хатни ўқиган Маҳмуд Ғазнавий Рай подшоҳлигига хужум қилишдан воз кечибди. Исфахон

амири Ала уд-Давла Муҳаммад аҳоли билан яхши муомала қилгани ва у муслмон бўлганлар орасида таъсири ва нуфузига эга бўлгани учун Маъсуд Ғазнавий султонлик пойтахтига жўнаш олдида унинг Исфахонга ҳоким этиб тайинлади ва алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ала уд-Давла Муҳаммаднинг синглисига уйланди. Тарихий манбаларнинг айрим муаллифлари бу муносабатларни йўлга қўйишда Хусайн ибн Сино фаол иштирок этганини таъкидлайдилар. Шу йили Маъсуд Ғазнавий ўзининг ишончсиз васали Ала уд-Давла Муҳаммад устидан назоратни сақлаб қолиш мақсадида Абу Саҳл Ҳамдувийни Жибал ҳокими этиб тайинлади. Ала уд-Давла Муҳаммад Маъсуд Ғазнавий кетгандан сўнг унинг йўқлигидан фойдаланиб, Абу Саҳл Ҳам-

дудийни Исфахондан қувиб чиқаришга қарор қилди. Бу хабар Маъсуд Ғазнавийга етгач, у Ала уд-Давла Муҳаммадга тазийқ ўтказиб обрўсига путур етказиш мақсадида, "синглингни эси паст, аҳмоқ жангчига топшираман", деб таҳдид қилиб хат ёзди. Хусайн ибн Сино бу хатга жавобан Ала уд-Давла Муҳаммад номидан Маъсуд Ғазнавийга шундай деб жавоб мактуби ёзди: "У аёл сенинг қонуний турмуш ўртоғинг, агар ажрашмоқчи бўлсанг, бу фақат сенинг ишинг ва у сенга дахлдор бўлиб, иззат ва обрўйингга биродар сифатида эмас, эр сифатида таъсир қилади". Султон Маъсуд Ғазнавий бу мактубни ўқигач Ала уд-Давла Муҳаммаднинг синглисига маликаларга кўрсатиладиган ҳурмат ва эҳтиром билан Исфахонга жўнагади. Тарихий маълумотларга кўра, Исфахонда Хусайн ибн Сино раҳбарлигида бир касалхона барпо этилган. Уни «Даволаш уйи» деб атаган эканлар. Касалхонага бундай ном берилишининг тарихи қизиқ бўлган. Хусайн ибн Сино томонидан тузилган лойихада бу касалхона «Даволаш уйи» деб аталган эди. Лойихани тасдиқлашда Ала уд-Давла бу сўзни «беморлар уйи» деб ўзгартириб қўйибди. Шунда Хусайн ибн Сино одоб ва мулоимлик билан Ала уд-Давлага касалхонани «Даволаш уйи» деб аташ мақсадга мувофиқ, чунки бунда беморларда тузалишга умид пайдо бўлади. «Беморлар уйи» деганда эса умидсизлик ҳисси келиб чиқади, деб тушунтирибди ва қўшиб қўйибди: «Менинг кўп йиллик кузатишларим шуни кўрсатадики, хасталикдан қутулиш мумкинлиги ҳақида ишонч борлиги бемор учун энг яхши дорилардан биридир». Шунда Ала уд-Давла Хусайн ибн Синога қараб бир оз ўйлаб туриб қолади, сўнг «Беморлар уйи» деган сўзни ўчириб, «Даволаш уйи» деб ёзиб қўяди. Иложсизликдан Бухорои Шарифни тарк этиб, мажбурий сафарга чиккан, сўнг оворай жаҳонга айланган ва осойишта ҳаёт излаб умрининг охиригача сарсон-саргардонлик синовидан ўтган, умрбод Ватан соғинчи билан яшаган, ҳаёт кийинчиликлари асло таслим бўлмаган, дунё бешигини тебратган буюк алломаларимиздан бири, тиббиёт оламидаги буюк устоз Хусайн ибн Синога қудратли қонот томонидан белгиланган берилган вақт манзилга етиб, ошқозон-ичаклар тизими хасталиги (саратон) туфайли 57 ёшида сўнгги манзил сари юз тутди, дунё тиббиёти гулшанини хувиллатиб қолдириб бу ёруғ оламни тарк этди. Тақдир тақозоси билан туғилган Ватани Бухорога қайтиб келолмади. У қолдирган мерос-китоблардаги билимлар эса, неча юз йилликларда яшаган инсонларга дастури-аълам бўлмоқда, оҳанрабодек ўзига жалб қилаётган таъриф-у тавсифларга сиймаётган меросга муносабатнинг муқаддас туйғуси эркин келажакни башорат қилаётгандек ҳамиша инсонларни фахрлантирмоқда. Шифокорларнинг нозик сезгисига алоҳида шуқух бағишламоқда. Бу шундай хиссиётки, томирларда оқаётган қонни жунбушга келтиради, бу шундай туйғуки, манфаат ва эҳтиёжларни бирлаштиради, бу шундай сезгик, ирода ва эътиқодни яхлитлаштиради, бу шундай туғёнки, мақсад ва интилишларни муайян манзилга йиғади.

Муҳтасар қилиб айтганда, буюк юртнинг буюк фарзанди Хусайн ибн Сино ҳозирги кунга қадар жаҳон эътирофи этаётган аллома сифатида эъзозланиб келинмоқда. XII асрдан бошлаб ғарб мамлакатларида Авиценна номи билан машҳур Хусайн ибн Синонинг хотираси юксак даражада ҳурматга сазовор.

Исроил ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳар 1-сон
болалар клиник шифохонаси
шифокори.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

ИММУНИТЕТ

– ЭТО ЗАЩИТА

Два года пандемии ковид-19 ознаменованы поиском эффективной терапии против новой коронавирусной инфекции.



В начале медики пытались применять уже существующие препараты, из которых далеко не все оправдали надежды; сейчас стали появляться специально разработанные лекарства и успешные терапевтические методики. При этом важнейшей задачей здравоохранения остаётся профилактика заболевания. Основной её мерой является вакцинация, помогающая остановить распространённость ковид-19 и снизить тяжесть его течения. Но появление новых высококонтагиозных штаммов требует дополнительных мер защиты. В частности, одной из перспективных стратегий могут стать терапевтические подходы, использующие механизмы иммуномодуляции. Об этом шла речь на круглом столе «Достижения российской науки в области профилактики и лечения COVID-19. Пандемия. Иммуитет. Защита», в ходе которого российские и зарубежные учёные рассмотрели международный и отечественный опыт применения иммуномодулирующих препаратов в профилактике и лечении COVID-19, а также в постковидной реабилитации. Несмотря на не стихающие споры вокруг вакцинации и «пробуксовку» в России прививочной кампании, она остаётся испытанным временем инструментом подавления и предотвращения распространения инфекции, в данном случае – коронавирусной. *«Нормальная реакция человека и общества – предупредить распространение возбудителя, остановить инфекцию, – говорит директор НИИ гриппа им. А. А. Смородинова Минздрава России, доктор медицинских наук профессор Дмитрий Лиознов. – В больницах оказываются главным образом те, кто не вакцинировался, причем максимальный уровень летальности пациентов регистрируется именно в этой группе больных». Он подчёркивает: «Для многих людей даже так называемое лёгкое течение коронавирусной инфекции может оказать серьёзное негативное влияние на организм и привести к катастрофе, поэтому единственно верная стратегия — постараться избежать заражения, следовать всем мерам профилактики и защиты». Благодаря вакцинации в организме человека формируется клеточный иммунитет к тем возбудителям, с которыми он встречался. «Фактически пожизненно у нас остаётся иммунный ответ, вопрос только в его напряженности, – комментирует Д. Лиознов. – Сохраняются клетки памяти, которые ответственны, как за выработку антител, так и за клеточный ответ. Два года наблюдений за новой коронавирусной инфекцией показывают, что мутации, которые были в предыдущих вариантах коронавируса и в варианте «омикрон», не ускользают от Т-клеточного ответа, сохраняется высокая перекрестная реактивность». Введение бустерной вакцины, как показали исследования, также повышает защиту от нынешнего*

штамма вируса. Но именно мутации коронавируса не позволяют говорить о супер-иммунитете к ковид-19. Невозможно также предсказать, станет ли «омикрон» эндемичным или будет эволюционировать. Поэтому работа иммунной системы в пандемию должна стоять на двух китах – вакцинации и иммуномодуляции. Медики считают, что при лечении коронавируса необходима не только этиотропная терапия, направленная на уничтожение вируса, но и патогенетическая, способная подавлять механизмы развития заболевания и стимулировать защитные силы организма. Ряд исследований продемонстрировал возможность использования в терапии против ковид-19 отечественного «Полиоксидония» (молекула азоксимера бромид) – «визитной карточки» компании «Петровакс». «Наша задача — улучшить иммунный ответ для пациентов с высоким риском, снизить уровни провоспалительных цитокинов и вирусную нагрузку, ведь тяжесть течения болезни зависит от состояния иммунной системы», – отметил на круглом столе французский иммунолог, профессор Университета Монпелье и Института рака Св. Екатерины Жан-Франсуа Росси. По его словам, вакцинация у тяжелых онкологических и гематологических пациентов формирует иммунный ответ порой настолько слабо, что им нужно прививаться каждые 2–3 месяца. Исследования применения иммуномодуляторов, в частности, «Полиоксидония», показали, что они значительно повышают иммунный ответ у таких пациентов. В разгар пандемии представители Словакии экстренно организовали ввоз в страну без дополнительной регистрации 15 тыс. упаковок препарата, получив на это специальное разрешение местного Минздрава. На проведённые в Словакии и в Беларуси исследования опирались при включении иммуномодуляторов в терапию самых тяжелых пациентов медико-ГКБ №24 Департамента здравоохранения города Москвы во время перепрофилирования больницы в ковидный госпиталь. «В ситуации, когда использованы все препараты, входящие в методические рекомендации, мы цепляемся за любой шанс, за любую инновационную технологию, чтобы состояние реанимационного пациента улучшилось, чтобы он смог выжить, – говорит заместитель главного врача больницы, заведующий кафедрой общей и клинической фармакологии Российского университета дружбы народов, доктор медицинских наук, профессор Сергей Зырянов. – Поэтому оригинальная молекула азоксимера бромид (действующее вещество препарата «Полиоксидоний») сразу привлекла наше внимание. Мы не первый раз работаем с этой молекулой, и открываем всё новые грани и новые возможности. Так, исследования показали, что у госпитализированных пациентов, в терапии которых применялся этот препарат, уменьшается выраженность лихорадки и её длительность; сокращается время пребывания в стационаре и быстрее проис-

ходит выздоровление». По словам Сергея Зырянова, медики прибегают к иммуномодуляторам тогда, когда не справляется иммунная система, и её необходимо стимулировать. Особенно это важно, когда пациент находится в выраженной стадии заболевания, и ему уже проведена мощная иммуносупрессивная терапия для предотвращения цитокинового шторма – состояния, которое, как известно, характерно для аутоиммунных заболеваний и для ковида. Продолжил тему заведующий Больницей скорой медицинской помощи Министерства здравоохранения Чувашии, заслуженный врач Чувашской Республики, главный внештатный специалист по инфекционным болезням Министерства здравоохранения Чувашии Сергей Ефимов, который участвовал в круглом столе, находясь на дежурстве в «красной зоне». Он сообщил о применении иммуномодуляторов, в частности, «Полиоксидония», в одном из отделений больницы для защиты медицинского персонала и в лечении тяжелых пациентов с COVID-19. «В марте 2020г мы начали работу в режиме инфекционного госпиталя. Тогда, в довакцинальный период, единственной мерой профилактики было соблюдение санитарно-эпидемиологического режима, ограничительных мероприятий, – рассказал он. – И в это время в американском медицинском журнале появилась статья «Иммунная терапия как стратегия борьбы с ковид-19». Это послужило мотивацией для начала применения препарата «Полиоксидония». Тем более, что известный учёный Франциско Харрисон призвал не терять время и не ждать новые молекулы, а обратить своё внимание на хорошо известные препараты, которые способны достаточным образом смодулировать иммунный статус». По словам Сергея Ефимова, в результате пятимесячного применения препарата (что стало самым длительным на сегодня периодом непрерывной терапии «Полиоксидония») не заболел практически никто, за исключением одного сотрудника, уехавшего в отпуск и прекратившего на месяц данную терапию. В то время, как в других ковидных госпиталях, в других отделениях чувашской БСМП заболеваемость сотрудников доходила до 10 и более процентов. А когда появились первые тяжёлые больные, медики осознали, что подобные состояния, а также цитокиновые реакции коррелируют с уровнем иммунной компрометированности пациентов. Возникло предположение, что методы, которые стимулируют иммунный ответ, могут оказывать влияние и на снижение тяжести заболевания, и на уровень грозных осложнений, которыми сопровождается ковид-19. Это подтвердилось во время наблюдения за группами пациентов с большим поражением лёгких, получавших азоксимера бромид. В итоге среди тех, у кого уровень сатурации держался на пограничных цифрах, респираторная поддержка никому не понадобилась.

Пациенты, находящиеся на респираторной поддержке разного уровня, в том числе, на высокопоточном кислороде, не перешли на инвазивную вентиляцию лёгких. Но самое главное: наиболее тяжёлых пациентов удалось снять с ИВЛ, а это, как известно специалистам, непросто. Применение иммуномодуляторов важно и для профилактики постковидного синдрома. О том, что выздоровление после COVID-19 может быть длительным и сопровождаться симптомами вялотекущего воспаления, вирусной латентности, дисбиоза и аутоиммунными проявлениями, подтвердил на мероприятии Жан-Франсуа Росси. По его словам, необходимость сокращения синдрома «длинного ковида» и поддержание иммунного ответа может быть показанием для применения препаратов, способных к восстановлению иммунной несостоятельности, что является одной из важных целей терапии. Также азоксимера бромид показал профилактическую эффективность в исследовании, проведённом Военно-медицинской академией им С.М. Кирова. В нём также приняли участие врачи из «красной зоны». Доля заболевших коронавирусом в основной группе, в которую вошёл 41 медработник, составила около 3%, тогда как в группе сравнения, куда вошли 37 человек, заболели 16% участников. По мнению Михаила Костинова, сегодня велик риск того, что некоторые переболевшие ковидом пациенты уже не вернуться к первоначальному состоянию организма и перейдут на другой уровень здоровья. Своё утверждение он подкрепляет такими данными: примерно каждый пятый человек из переболевших ковидом в возрасте от 18 до 34 лет без хронических заболеваний сообщает, что через 2-3 недели после выздоровления так до конца и не избавился от некоторых симптомов. «Опыт показывает, что в таких случаях возможно применение азоксимера бромид. Например, на фоне иммунотерапии респираторные инфекции могут значительно реже поражать пациентов, склонных к частым ОРВИ», – говорит Михаил Костинов. Профилактический прием этого препарата в 3 раза снижает острую респираторную заболеваемость у детей и примерно на 66% уменьшает у них частоту других инфекционно-воспалительных болезней. **Участники круглого стола пришли к единому мнению: опыт, который на нём обсуждался, важен для изучения и тиражирования успешных практик во время пандемии. Ведь благодаря иммунокорректирующей терапии тяжёлым пациентам удалось избежать реанимационных мероприятий, а для многих врачей она стала действенной мерой профилактики.**

Алёна ЖУКОВА,
Медицинская газета
№ 6, 2022 г., Москва.

ДИЛ ТАШАККУРИ

МЕХНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ!

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топганман. 1980 йилда Самарқандда Кооператив институтини тугатиб, тақдир тақозоси билан Хоразм вилояти Урганч шаҳрига турмушга чиқдим. Кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимида,

шунингдек, тадбиркорлик йўналишида фаолият олиб бордим. Турмуш ўртоғим билан 3 нафар фарзандни вояга етказиб, олий ўқув юрларида ўқитдик, улар айни кунда турли соҳаларда ишлаб келмоқдалар. Турмуш ўртоғим ва мен ҳозирда нафақадимиз.

Ёшинг ўтган сайин соғлигингда ўзгариш бўлар экан. Кейинги йилларда саломатлигимдаги ўзгаришлар вақти-вақти билан даво муолажалари олишимни тақоза қила бошлади. Айниқса, юрак ва бош соҳамдаги, шу билан

касбининг билимдони тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳромхон Аляви фаолият кўрсатиб келаётган экан. Бир сўз билан айтганда жамоадаги соғлом муҳитнинг барқарорлиги, бу албатта, марказ раҳбарининг ўз касбига фидойи

ча директор муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор Умида Камилованинг ҳам меҳнатларини алоҳида эътироф этмоқчиман. Кўп йиллардан бўён ушбу шифо масканида илм-фан тараққиёти йўлида изланаётган барча тиббиёт ходимларига ибрат бўлиб, мамлакатимиз ва дунё микёсида тиббиёт йўналишида амалга оширилаётган фан янгиликлари ҳамда илмий изланишларни ҳаётга татбиқ қилиб келмоқда. Бу, албатта, фаолиятдаги соҳа ходимларининг тажриба кўламини оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, пойтахт ва республика ҳудудларидан келиб, даволанаётган беморларга малакали тиббиёт ходимларининг ўз вақтида даво муолажаларининг олиб борилиши, шу билан бирга, бемор дардига малҳам бўлгучи илиқ муомалалари таҳсинга лойиқдир. Жумладан, кардиология бўлимининг муdiri, тиббиёт фанлари доктори Дилдора Туляганова, катталар ревматология бўлими муdiri, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мавжуда Алияхунова, кардиocereбрал патология бўлим муdiri, тиббиёт фанлари доктори Шахло Абдуллажанова, физиотерапия бўлими муdiri Дилбар Султанова, марказнинг ички ва ташқи хужжатлари билан иш юритиш бўйича мутахассиси Нодири Назарова, тиббиёт фанлари доктори Баходир Арипов, илмий-клиник лабораторияси бўлими муdiri Жамила Ачиловаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларини қанчалар эътироф этсам арзийди. Бу инсонлар ўз касбининг моҳир билимдонлари, қасамёдига содиқ фидойилари ҳисобланади.

Кардиология бўлимида даво муолажаларимни давом эттирар эканман, тажрибали, жонкуяр, меҳрибон кардиолог-шифокор Динара Файзиёева меҳнатларини ҳам алоҳида тилга оламан. Кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган, ажойиб инсон бўлимдаги барча даволанувчиларга бир-



бирга оёқ ва қўлларимдаги оғриқлар безовта қиладиган бўлди. Мана бир неча йилдирки, ушбу хасталиқлар бўйича тиббиёт муассасаларида даволаниб келмоқдаман. Жорий йилнинг февраль ойида саломатлигимни тиклаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига даволаниш учун келдим. Муассаса ҳовлисига кирар эканман, аввало, унинг гўзал табиати, озодлиги эътиборимни тортди. Ичкарига кирганимда, бўлимлардаги шарт-шароитлар ва тиббиёт ходимларининг муомала-манияти мени бефарқ қолдирмади. Шифокорларнинг тиббий кўриқларидан ўтгач, уларнинг тавсияси билан кардиология бўлимига жойлашдим. Шифо масканидаги соғлом муҳитнинг барқарорлиги янада кайфиятимни кўтарди. Малакали шифокору, ҳамширалар даво муолажаларини бошлаб юборишди. Тез орада саломатлигим тиклана бошлади. Мамнунлигимдан ушбу марказда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатини эътироф этгим келди. Мазкур шифо масканига беш йилдан буён ёш, талабчан ва ўз


эканлигини кўрсатиб турибди. Ёш бўлишларига қарамасдан, илмга чанқоқ, ўз касбига фидойи мутахассис.

Марказ 430 ўриндан иборат бўлиб, 290 ўрин катталар ва 140 ўрин болалар учун мўлжалланган. Шунингдек, барча имкониятларга эга поликлиникада бир кунда 150 дан ортиқ фуқаролар қабул қилинади. Шифо масканида даволанувчилар учун шарт-шароитлар яратилган. Барча бўлимлар қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилган. Шу ўринда айтишим жоизки, даво муолажаларини бошлаганимдан сўнг, шифокорлар мендаги бошқа ёндош касалликлар ҳам безовта қилаётганлигини аниқлашиб, бир пайтнинг ўзида даволаниш муҳимлигини тавсия қилишди. Марказ директорининг муовини, тиббиёт фанлари доктори Қодир Мўминов қабулида бўлганимда, улар менинг саломатлигимни тиббий кўриқдан ўтказгач, кўз соҳамда ҳам жиддий ўзгаришлар борлигини айтиб, Республика кўз касалликлари клиникасига йўлланма берди ва тезда окулист шифокорлар назоратидан ўтдим. Керакли тавсиялар асосида даволана бошладим. Мазкур марказда изланиш, илмий салоҳиятни юксалтиришда илмий ишлар бўйи-



дек эътибор беради. Даволанувчилар Динараҳон кўрсатган тиббий хизматлардан хурсанд эканликларини доимий изҳор этадилар. Мамнунлик билан яна шуни айтмоқчиманки, қайси бир тиббиёт муассасасида бўлманг, аввало, сизни, хушмуомалали, кийимлари ўзига ярашган ҳамширалар кутиб олишади. Қолаверса, муассасалардаги фаолиятларининг кўп қисмини улар амалга оширишади. Шундай экан, ушбу марказда ҳам ана шундай бир-биридан чаққон, кўли энгил ҳамширалар меҳнати бизни бефарқ қолдирмади. Ўзларининг беминнат хизматлари билан беморлар қалбидан чуқур ўрин олган марказ бош ҳамшираси Муборак Мирзабекова ва унинг барча шогирдлари, шунингдек, бўлим бекаси Шаҳноза Исабобовалар ҳамда кичик тиббиёт ходимларига ҳам алоҳида ташаккур билдираман. Албатта, кўпчиликка мазали овқатлар тайёрлашни ўзи бўлмайди. Бош ошпаз Бахтиёр Кодиров ва унинг жамо-

аси томонидан тайёрланаётган турли хилдаги тансиқ таомлар иштахани очиш билан бирга, кайфиятимизга кўтаринкилик бағишлайди. Албатта, бундай вазифаларни сикдикдилдан бажаришда ошхона муdiri Дилором Бегматованинг ҳам ҳиссалари каттадир. Бунинг баробарида, қабулхона бўлим бошлиғи Дилдора Исмоилова ҳам қабулга келган ҳар бир беморни очик чеҳра билан кутиб олади ва бўлимларга жойлаштириш масалаларига катта эътибор қарагади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, бўлимлардаги даво муолажалари қаторида физиотерапия бўлимида кўрсатилаётган барча даволар саломатлигини тиклашда алоҳида ўринга эга эканлигини дилдан чуқур ҳис этдим. Айниқса, ушбу бўлимда фаолият олиб бораётган ҳамширалар меҳнатини алоҳида тилга олсам, арзийди. Бу ҳақдаги мақтовга лойиқ фикрларимни узоқ давом эттиришим мумкин...



Хулоса қилиб айтганда, мазкур марказда олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда ўз касбининг садоқатли тиббиёт ходимлари меҳнатидан кўриниб турибдики, уларнинг мақсади, Президентимиз таъкидлаганларидек, инсон кадрлари учун таъминоти қаратилгани билан алоҳида ажралиб турибди. Яна бир бор, ушбу шифо маскани раҳбарияти ва унинг аҳил жамоасига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларига эса ривожлар тилаб, дил ташаккуримни билдириб қоламан.

Феруза ИБРАГИМОВА,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 593 нусха.
Буюртма Г-240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.